



# ИСЛОМ ЭНЦИКЛОПЕДИЯСИ

# ИСЛОМ ЭНЦИКЛОПЕДИЯСИ

**2-жилд**

**АБУ-л-ЛАЙС аз-ЗОВАРИЙ –  
– АЛАҚ СУРАСИ**

**Ўзбекистон халқаро ислом академияси нашриёти  
Тошкент – 2025**

УЎК: 28(031)  
КБК 86.38я2  
И 80

И 80      Ислом энциклопедияси [Матн] / – Тошкент: «Ўзбекистон халқаро ислом академияси» нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2025. – 496 б.

Энциклопедияда Ислом арконлари, шаръий қонун-қоидалар, муқаддас қадамжолар ва масканлар, машхур масжидлар ва мадрасалар, ушбу диннинг тарқалиши ва равнақиға улкан ҳисса қўшган буюк шахслар, жумладан, саҳоба ва тобеъинлар, муҳаддис, фақиҳ, муфассир, мутасаввиф ва азиз-авлиёлар, Қуръон ва ҳадис ҳофизлари, таниқли уламолар ҳақида алифбо тартибида тизимли мақолалар берилган. Шунингдек, илмий-ижодий ҳамда маънавий-маърифий фаолияти жамоатчиликка номаълум бўлган алоҳида шахслар тўғрисидаги қимматли маълумотлар илмий муомалага киритилмоқда.

Ушбу энциклопедия кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

УЎК: 28(031)  
КБК 86.38я2

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги  
Дин ишлари бўйича қўмитанинг 09.03.2022 санадаги 1543-сонли  
хулосаси асосида тайёрланди.*

ISBN 978-9910-930-91-1

© «Ўзбекистон халқаро ислом академияси»  
нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2025

нинг Бағдод ш.даги «Қодирийя» кутубхонасида ва 1 таси Саудия Арабистонида сақланади: 1. 533-инв. рақам. Ушбу нусха тўлиқ, яхши сақланган, одатий хатда ёзилган. Асар 28 варақдан иборат бўлиб, ҳар бир варағи 19 сатрни ташкил қилади. Ҳажми: 20,5×15 см; 2. 590-инв. рақам. 29 варақ, 19 сатр, 21×14,5 см; 3. 534-инв. рақам. 5 варақ, 21 сатрдан иборат; 4. 7812-инв. рақам. Муҳаммад ибн Саъуд ун-ти Марказий кутубхонасида 1277 ҳиж. санада Мулло Муҳаммадҷон томонидан кўчирилган нусха. Ушбу қўлёзма 33 варақ, 18 сатр, 16×25,5 см ўлчамда. Қўлёзма яхши сақланган, ораларига шарҳ ва ҳошиялар ёзилган.

Хайруддин аз-Зириклий А.М. 1000/1592 й.да вафот этганини айтса-да, унинг таржимаи ҳолини келтирган аксар уламолар олимнинг вафот санасини 1090/1679 й.да деб қайд қилганлар.

Ад.: Абу-л-Мунтаҳо Аҳмад ибн Муҳаммад. *Шарҳ ал-фиқҳ ал-акбар* (Аҳмад Ҳошим Раҳим таҳқиқи остида). – Бағдод: «ал-Жомиъа ал-Ироқийя», 2012. 1-10; С.Оқилов. *Мовароуннаҳрда мотуридия таълимнинг шаклланиш тарихи*. – Т.: «Movarounnahr», 2012. 9.

Аъзамхон Абдурахмонов

## АБУ МУСЛИМ

أبو مسلم

Абу Муслим Абдуррахмон ибн Муслим ал-Хуросоний  
(100/718, Исфажон (Марв) – 137/754, Мадойин)

### Аббосийларнинг етакчи намоёндаларидан

А.М. Хуросонда аббосийларнинг умавийларга қарши тарғибот ҳаракатига раҳбарлик қилган. Ибн Халликоннинг «*Вафайāt ал-аъйāн*» асарида унинг асл исми Иброҳим ибн Усмон ибн Ясор бўлгани ва аббосийлар ҳаракати раҳбари Иброҳим ибн Муҳаммаднинг кўрсатмаси б-н Абдуррахмонга алмаштирганлиги айтилади. 750 й. умавийлар бошқаруви тугатилиб, аббосийлар халифаликни

қўлга олганидан сўнг А.М. 750–754 й.лар давомида Хуросон вилояти волийси вазифасида бўлган.

А.М. туғилгандан кўп ўтмай отаси вафот этган. Шундан сўнг унинг онаси ўғли б-н Куфага кўчиб, у ерда Исо ибн Маъқил исмли кишининг уйида хизматчи бўлиб ишлаган. А.М. дастлабки диний таълимни Исо ибн Маъқилнинг уйида олган.

Исо ибн Маъқил Куфа волийси Холид ибн Абдуллоҳ ал-Қасрий (728–738)нинг хизматчиларидан эди. 738 й. Холид ибн Абдуллоҳ ўрнига волийликка тайинланган Юсуф ибн Умар собиқ ҳокимни ва унинг ёрдамчиларини ҳибсга олади. Унинг яқин ёрдамчиларидан бўлган Исо ибн Маъқил ва унинг акаси Идрис ибн Маъқил ҳам ҳибсга олинади. А.М. уларга хизмат қилиш учун қамоқхонага бориб туради. 742 й. Хуросондаги Сулаймон ибн Касир, Молик ибн Ҳайсам каби аббосийлар ҳаракати етакчилари Исо ибн Маъқилнинг олдига келган вақтда А.М. б-н танишадилар ва ундаги иқтидорни кўриб, ўзлари б-н олиб кетадилар. Куфадаги аббосийлар ҳаракати етакчиси Букайр ибн Моҳон А.М.ни Иброҳим ибн Муҳаммад (аббосийлар ҳаракатини бошлаган Муҳаммад ибн Алининг ўғли. 743 й. Муҳаммад ибн Али вафот этганидан сўнг Иброҳим «ал-Имом» лақаби б-н отасининг ўрнини эгаллаган. Шунинг учун у Иброҳим ал-Имом дейилади)нинг олдига жўнатади.

Иброҳим ундаги иқтидор ва қобилиятни билгач, унга устоз тайинлаб, Ислом таълимоти ҳамда тарғибот қилиш йўл-йўриқларини ўргатишларини буюради.

Иброҳим ибн Муҳаммад аббосийларнинг махфий тарзда олиб бориловчи тарғибот ҳаракатини ошкораликка ўтказишни истайди. Чунки Марвон ибн Муҳаммад даврида умавийлар ўртасида ички низо авж олган, Ироқ ва Ҳижозда хаворижлар ҳамда қабилавий урушлар

тарғибот ҳаракатини эркин олиб бориш имконини берар эди. Шунинг учун Иброҳим Хуросон тарғиботчиларига раҳбар тайинламоқчи бўлди.

Бу вақтга қадар Хуросондаги даъватчилар Куфа тарғиботи раҳбари томонидан тайинланар эди. Иброҳим ибн Муҳаммад у ерга бир неча вакиллар жўнатади. Бироқ Хуросон тарғиботчиларини бирлаштира оладиган шахсни топиш муаммога айланади. Иброҳим ибн Муҳаммад томонидан юборилган вакилларга Хуросон даъватчилари бўйсунини истамайди. Шундан сўнг 747 й.да Иброҳим Хуросонга А.М.ни жўнатади. Хуросонлик даъватчилар А.М. ёш ва тажрибасиз бўлгани учун яна итоат қилишдан бош тортишади. Лекин Иброҳим бу сафар фикрини ўзгартирмайди. У 747 й.ги ҳаж мавсумида хуросонликлар б-н учрашиб, уларга қарорини ўзгартирмаслигини айтади.

Иброҳим халифаликда кечаётган қабилавий низодан фойдаланишга ҳаракат қилади. Бу даврда халифаликда яманий ва қайсий қабилалари ўртасида мурасиз кураш бошланган бўлиб, қайсийлар халифа ва аъёнларининг асосий таянчи эди. Шунингдек, Хуросон волииси Наср ибн Сайёр ҳам қайсийлардан эди. Иброҳим ибн Муҳаммад А.М.га яманийлар б-н яқин муносабатда бўлишни ва қайсийлардан эҳтиёт бўлишни буюради.

А.М. Хуросоннинг турли шаҳарларига *аббосийлар* байроғини ўрнатиш орқали *аббосийлар* ҳаракатида ошкоралик даври бошланганини маълум қилади. Бу вақтда Хуросон амири Наср ибн Сайёр ички низоларни бостириш б-н машғул эди. Унга қарши Жудайъ ал-Кирмоний бошчилигидаги яманийлар ва Шайбон ал-Ҳарурий бошчилигида *хаворижлар* исён кўтарган эди. Наср ибн Сайёр бир вақтнинг ўзида учта йўналишда уруш қила олмаслигини тушуниб етди ва *хаворижлар* сардори Шайбонга элчи жўнатиб, у б-н сулҳ тузади. Бундан хабар

топган А.М. Жудайъ ал-Кирмонийнинг ўғлига элчи жўнатиб, ҳамкорлик қилишни таклиф қилади. Бироқ ундан жавоб келмайди. Бу орада А.М. Ҳиротга қўшин жўнатади. Унинг қўшини Ҳиротни эгаллайди. Шундан сўнг Жудайъ ал-Кирмонийнинг ўғли Али А.М.га ҳамкорлик қилишга рози эканлигини билдиради.

Наср ибн Сайёр *аббосийлар* ҳаракатини тўхтатиш учун ғоявий кураш бошлайди. У А.М. ва унга эргашувчиларнинг аксари ажамлардан иборат эканини, уларнинг мақсади араб халифалиги бошқарувига чек қўйиб, мажусийлик динига қайтиш эканини уқтиради. Хуросоннинг олимлари, *фақиҳ* ва б. тақводор кишиларини чақириб, А.М. хавфидан огоҳлантиради. Ўз навбатида А.М. зулмни даф қилиш, мусулмонлар ўртасида адолат ўрнатиш, заифларга ёрдам бериш ҳамда Муҳаммад (с.а.в.) хонадонларидан инсонлар рози бўлган кишига *байъат* бериш каби ғоялар б-н раддия беради. Шунингдек, А.М. қўл остидаги умавий аскарларини озод қилади. Унинг бу иши кўпчилик инсонларнинг А.М. тўғрисидаги муносабатини ижобий тарафга ўзгартиради.

747 й.да юз берган ҳодисалардан яна бири халифа Марвон томонидан Иброҳим ибн Муҳаммаднинг қўлга олинishi бўлди. Наср ибн Сайёр халифага А.М. Иброҳим кўрсатмасига кўра иш тутаётгани ҳақида хабар берган эди. Халифа хабарга аниқлик киритгунича ҳеч қандай чора кўрмайди. Бироқ халифа Марвон Иброҳим ибн Муҳаммаднинг А.М.га ёзган хатини ўқиганидан кейин ишонч ҳосил қилади. Хатда Иброҳим А.М.ни Хуросондаги ички вазиятдан фойдаланиб чора кўрмаганлиги учун танқид қилган эди. Шундан сўнг Марвон Дамашқ амирига *аббосийлар* ҳаракати етакчисини ҳибсга олишга буйруқ беради. Иброҳим ибн Муҳаммад қўлга тушишига ишонч ҳосил қилганидан сўнг ўрнига укаси Абу-л-Аббос ас-Саффоҳни тайинлайди ва

ҳаракат марказини Куфага кўчиришни буюради. У Ҳамима қишлоғида ҳибсга олиниб, Ҳаррон ш.га юборилади.

Наср ибн Сайёр ўз ихтиёридаги қўшин б-н яманийлар ва А.М.га қарши чиқа олмаслигини билади. Шунинг учун Али ал-Кирмонийдан А.М.га қарши иттифоқ тузишни сўрайди. Бироқ у А.М. б-н халифага қарши курашишга келишган эди. Наср ибн Сайёр Куфа амири Язид ибн Умар ва халифа Марвонга ёрдам сўраб мурожаат қилади. Аммо улар ҳам Куфа, Дамашқ ва Ҳижозда бўлаётган исёнлар туфайли ёрдамчи куч жўната олмайди.

748 й. Марвда қайсийлар ва яманийлар ўртасида низо юзага келади. Наср ибн Сайёр қайсийларга ён босади. Яманийлар А.М.дан ёрдам сўрайди. У қулай фурсатдан фойдаланиб, Марвга бостириб киради ва шаҳарни эгаллайди. Наср ибн Сайёр қочиб кетади. Кўп ўтмай А.М. Балх ш.ни қўлга киритади. Шундан сўнг Хуросоннинг жан. ва шарқий қисмлари исёнчилар қўлига ўтади.

А.М. Наср ибн Сайёр ортидан Қаҳтаба ибн Шабиб бошчилигида қўшин жўнатади. У бир шаҳардан иккинчи шаҳарга ўтиб, тутқич бермайди. Наср ибн Сайёр Ироқ волийсига ёрдам сўраб элчи жўнатади. Бироқ у ёрдам беришдан бош тортади. Шундан сўнг у халифага мактуб ёзади. Марвон ибн Муҳаммад Куфа волийси Язид ибн Умарга қўшин жўнатишни буюради. Бироқ унинг қўшини сусткашлик қилади. Наср ибн Сайёрнинг Қаҳтаба қўшинлари б-н сўнгги жанги Райда бўлади. Унда Наср ғалабага эришган бўлса-да, Қаҳтаба томонидан янги қўшин келишидан хавфсираб, Ҳамадонга кетишга қарор қилади. Насрга Ҳамадонга етиб бориш насиб этмайди. У саҳрода касалликка учраб, 748 й.да вафот этади. Наср ибн Сайёр вафотидан сўнг А.М. яманийлар етакчиси Али ал-Кирмоний ва унинг тарафдорларини Хуросонни эгаллашда ёрдам берган бўлишига қарамай қатл эттиради.

Қаҳтаба ибн Шабиб 749 й. Хуросон атрофидаги ҳудудларни эгаллаганидан сўнг Ироққа юриш қилади. Халифа Марвон *аббосийлар* ҳаракати етакчиси Иброҳим ибн Муҳаммадни қатл қилади ва ўзи Мосулга бориб, Зоб дарёси бўйига қароргоҳ ўрнатади.

749 й. нояб. ойида Куфада Абу-л-Аббос Абдуллоҳ *аббосийлар*нинг биринчи халифаси деб эълон қилинади. Унинг акаси Абу Жаъфар Абу-л-Аббосдан катта бўлса ҳам унинг онаси барбарлардан бўлган канизак эди. Абу-л-Аббоснинг онаси эса хур аёл эди. Шунинг учун ҳам Иброҳимнинг вориси этиб Абу-л-Аббос тайинланади. *Аббосийлар* ва *умавийлар* қўшинлари ўртасидаги ҳал қилувчи жанг 750 й. янв. ойида Катта Зоб дарёси бўйида бўлиб ўтади. Қўзғолончилар ғалаба қозониб Шомни ишғол қилиш учун юриш қилади. Йўл-йўлакай *умавийлар*ни қўллаб-қувватлаганлар, ҳатто оз бўлса-да уларга хайрихоҳ бўлганларнинг барчаси қатл қилинади.

*Аббосийлар* тахтда мустаҳкам ўрнашиб олганидан сўнг, А.М. халқ ғалаёнларини бостириш ва тартиб ўрнатиш учун Хуросонда қолади. Форс тарихчиси Абу Саъид Гардизий ўзининг «*Зайн ал-ахбār*» деб номланувчи китобида ёзишича, ўша вақт Хуросонда Бихафарид ибн Махфарвадин деган бир форс пайдо бўлади. У зардуштийлар ичида даъват қилиб, уларнинг пайғамбари бўлиб олмоқчи бўлади. У қуёшга етти марта ибодат қилиш, ўлимтик нарсаларни емасликни, бироқ ўз онаси, опаси ва ака-укалар ва опа-сингилларнинг қизлари б-н никоҳ қуришни жорий қилади. Унинг даъватларидан ваҳимага тушган зардуштийларнинг руҳонийлари А.М.га шикоят қилиб боришади. У эса Бихафаридни дорга осишга ва тарафдорларини қириб ташлашга буйруқ беради.

Бундан сўнг, Бухорода Шарийк ибн Шайх Маҳрий тарафидан қўзғолон бўлади. У Алавийлар (Али ибн Абу Толиб

авлодлари тарафдорлари)нинг поймол этилган ҳақ-ҳуқуқларини талаб қилиб 30 мингга яқин қўшин йиғади. А.М. қўзғолонни бостириш учун Зиёд ибн Солиҳ бошчилигида қўшин юборади. У эса уч кун ичида шаҳарга ўт қўйиб, уни вайрон қилади. 751 й. июнь ойида Зиёд ибн Солиҳ Талос водийсида Хитойнинг Тан сулоласи қўшинлари б-н тўқнашиб, уларни мағлуб этади. Шу б-н Тан сулоласининг Ғарбга қараб кенгайиши тўхтатилади.

А.М.нинг муваффақияти ҳамда унинг мустақил бўлиб бораётгани халифа атрофидагиларнинг ҳасадини келтириб чиқаради. Халифа Абу-л-Аббос А.М.ни жуда ҳурмат қилар эди. Бироқ 754 й. халифа Абу-л-Аббос вафот қилганидан сўнг, тахтга унинг иниси Абу Жаъфар ал-Мансур ўтиради ва ҳолат тубдан ўзгариб кетади. Янги халифа А.М.ни ёқтирмаса-да, унинг ёрдамидан фойдаланишга ҳаракат қилади. Абу Жаъфар халифа бўлганидан сўнг амакиси Абдуллоҳ ибн Али халифаликни талаб қилиб исён кўтаради. Бу исённи бостиришда А.М. катта ҳисса қўшади. У Абдуллоҳ б-н олти ой жанг қилиб, уни мағлуб этади. Шундан сўнг халифа тушган ўлжаларни ҳисоблаш тўғрисида буйруқ беради. А.М. халифанинг ишидан ғазабланиб, унинг изнисиз Хуросонга жўнаб кетади.

А.М.даги норозилик кайфиятидан чўчиган халифа Абу Жаъфар ундан қутулиш тадбирини қилади. Унинг буйруғи б-н А.М. 754 й. Мадойин ш.да қатл этилади.

*Умавийлар* сулоласини ағдаришда муҳим ўрин тутган А.М. Ислом оламининг тарихига катта таъсир қилган жуда кам сонли шахслар қаторидан ўрин олган. У қорачадан келган, ўрта бўй, совуққон, камгап ва сиёсий дунёқараши кенг одам эди. У араб ва форс тилларини жуда яхши билган. Қўли очик бўлиб, қўл остидагилар уни қаттиқ ҳурмат қилган бўлса-да, унинг яқин дўсти бўлмаган. Уни баъзи тарихчилар Ҳажжож ибн Юсуф ас-Сақафий б-н ҳам қиёс қилишади. Унинг буй-

руги б-н Хуросоннинг Марв ва Нишопур ш.ларида масжидлар қурилган. Унинг Фотима ва Асмо исмли икки қизи бўлиб, уларга мерос бўлиб фақат бешта жория қолган.

Ад.: ат-Табарий. *Тарīх*. – Байрут: «Дор ал-кутуб ал-ъилмийя», 1997. IV, 215–380; Муҳаммад ас-Салобий. *ад-Давла ал-умавиййа: авāmил ал-издихār, тадāвиййāt ал-инҳийār*. – Байрут: «Дор ал-маърифа», 2008. 551–559; Солиҳ Сулаймон ал-Вашмий. *Абӯ Муслим ал-Хурāsānī*. – Бурайда: «Надий ал-Қосим ал-адабий», 1979; Ибн Халликон. *Вафайāt* (Д-р Эҳсон Аббос таҳқиқи). – Байрут: «Дор Содир», 1972. III, 145–155; ал-Яъқубий. *Тарīх*. II, 327, 340–344, 361, 364–368; аз-Заҳабий. *Сийар*. VI, 4873; Журжи Зайдон. *Абӯ Муслим ал-Хурāsānī*. – Қоҳира: 1933; S.Moscat. «*Abū Muslim*». *EP*<sup>2</sup> (Fr.). I, 145; *Ислом. Энциклопедия*. – Т.: «ЎЗМЭ ДИН», 2017. 23–24.

Соҳибжон Умматалиев

## АБУ МУСЛИМ ал-КАЖЖИЙ

أبو مسلم الكجّي

(қ. ал-КАЖЖИЙ, Абу Муслим)

## АБУ МУСЛИМ ал-ЛАЙСИЙ

أبو مسلم اللّيثي

(қ. ал-ЛАЙСИЙ, Абу Муслим)

## АБУ МУСЛИМНОМА

أبو مسلم نامه

### 10–11-аларга оид жангнома

Муаллифи – Абу Тоҳир Тарсусий. Форс тилида ёзилган, кейинчалик араб, туркий тилларга таржима қилинган. Абу Муслим (Хуросон ва Мовароуннаҳр амири) ҳақидаги ривоят ва афсоналардан иборат. «А.М.» қадимий қисса услубида ёзилган бўлиб, унда 10-ада тараққий топган шарқона жавонмардлик (футувват, бағрикенглик) хусусиятлари ва талаблари ўз аксини топган. Асар Эрон, Туркия, айниқса, Туркистонда катта шухрат қозонган. Туркистонда унинг айрим қисмлари асосида мустақил йирик асарлар («Замчинома» ва б.) яратилган. «А.М.»нинг ўзбек тилида нашр этилган